O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 26 сентябрь, № 188 (4851) Шанба


# ЮКСАЛИШ, ЯНГИЛАНИШ ВА РАВНАҚ

**Истиқлол йилларида Хоразм вилояти аҳли Ватанимиз тараққиёти, халқ турмуши фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.**

***Эзгулик иштиёқи билан яшаётган инсон борки, истиқбол ҳақида қайғуради, келажагининг порлоқлигини таъминлашга интилади. Бу жараёнда, аввало, эл-юрт манфаатини устувор қўяди, ўз толеини Ватан равнақи, халқ тақдири билан боғлайди. Зотан, шундай ўй-ташвишлар, саъй-ҳаракатлар билан умр кечираётган кишиларни юртпарвар, элпарвар деймиз.***

**Ислоҳот одимлари**



Бугун кўҳна тамаддун бешикларидан бўлган Хоразм заминининг гуллаб-яшнаши, тараққиётга юз тутишида фидойи инсонларнинг хизмату ҳиссаси беқиёс. Зеро, Истиқлол ушбу қадим воҳанинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида янги юксалиш даврини бошлаб берди. Одамлар қалбида бунёдкорлик, яратувчанлик иштиёқини уйғотди.

— Хоразм воҳаси ниҳоятда бой ва қадимий ўтмишга эга, — дейди Хива "Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонаси директори Ботир Давлетов. — Шу заминдан етишиб чиққан буюк аждодларимиз номини бугун нафақат юртдошларимиз, балки дунё аҳли юксак эҳтиром билан тилга олмоқда. Шу боис истиқлол йилларида Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангуберди сингари буюк аждодларимизнинг хотирасига алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Бу эса барча юртдошларимиз, шу билан бирга, Хоразм аҳли қалбида миллий ифтихор туйғуларини жўш урдириб юборди, буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросидан баҳраманд бўлиш имкониятини яратди.

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан қадим Хоразм воҳаси ана шундай тарихий аҳамиятга эга кўплаб қувончли воқеликларнинг шоҳидига айланмоқда. Хусусан, ўтган қисқа даврда ҳудудда Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, буюк қадриятлар китоби — "Авесто"нинг 2700 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги халқаро миқёсда, юксак савия ва кўтаринкилик билан нишонланди. Президентимиз ташаббуси билан Хоразм Маъмун академиясининг фаолияти қайта йўлга қўйилди. Шунингдек, буюк аждодларимизнинг юбилейлари ўтказилиб, номлари эъзозланди. Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди, Авесто, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди. Табиийки, бундай хайрли ишларнинг барчаси маънавий ҳаётимизнинг ёрқин саҳифаларига айланди.

(Давоми 2-бетда).



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

## КОНСУЛЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

***Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг "Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси: халқаро амалиёт ва миллий тажриба" мавзуидаги конференцияси бўлиб ўтди.***

Маълумки, Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1963 йил 24 апрелда Вена шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида қабул қилинган ва 1967 йилнинг 19 мартидан кучга кирган эди. Ушбу ҳужжат, айтиш жоизки, давлатлар ўртасида консуллик муносабатларини ўрнатиш ва уларни амалга ошириш тартибини белгилайди. Мамлакатимиз мазкур Конвенцияга 1992 йилнинг 1 апрелида қўшилган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси 124 та давлат билан консуллик муносабатлари ўрнатган.

Анжуманда мутахассисларнинг ушбу ҳужжатнинг моҳияти, унинг норма ва талабларини Ташқи ишлар вазирлигида қўллаш ҳамда Ўзбекистоннинг хориждаги консуллик хизмати амалиёти ва тажрибалари тўғрисидаги маърузалари катта қизиқиш билан тингланди.

Маърузачилар мазкур ҳужжат нормаларини миллий қонунчилигимизга уйғунлаштириш жараёнларининг изчиллиги ҳамда амалга оширилаётган барча консуллик ҳаракатлари Конвенцияда эътироф этилган нормаларга тўла жавоб беришини қайд этишди. Шунинг баробарида, улар мамлакатимиз ташқи алоқалари тизимидаги консуллик хизматининг ҳуқуқий ва ташкилий йўналишларини янада ривожлантириш, унинг назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил этиш ҳамда кенг тадқиқотлар олиб борилиши зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Муҳокама жараёнида билдирилган амалий таклифлар асосида қўмитанинг ушбу масалага оид тегишли тавсиялари ишлаб чиқилди ва уни тўлдириш ҳамда маромига етказиш тўғрисида келишиб олинди.

## ҚОНУНЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

***Шу куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Давлат тили ҳақида", "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида" ҳамда "Реклама тўғрисида"ги қонунларнинг Фарғона вилоятидаги ижроси масаласи муҳокама этилди.***

Қайд этилганидек, вилоятда фаолият юритаётган барча ташкилот, корхона, муассасаларда мулк шаклидан қатъи назар, ҳужжат юритиш, асосан, давлат тилида олиб борилмоқда. Ва бу ишлар, айтиш жоизки, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тил комиссиялари томонидан амалга оширилмоқда. Бироқ "Давлат тили ҳақида" ҳамда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунларнинг ижроси тўлиқ таъминланмаётир.

Хусусан, вилоятдаги айрим ташкилотларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилмаётганлиги сабабли турли имловий хатоликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, Маънавият тарғибот марказининг Фарғона вилояти бўлими, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят ҳудудий бошқармаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими, "Фарғонаавтойўл" ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти, вилоят телерадиокомпанияси, "Халқ банки" вилоят бошқармаси, акциядорлик тижорат "Агробанк"нинг вилоят бошқармаси, айниқса, вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари ҳокимликлари томонидан тақдим этилган расмий ҳужжатларда кўплаб имловий ва услубий хатоликлар учрайди. Бундан ташқари, вилоятдаги ташкилотларнинг электрон ёзувлари ҳозиргача давлат тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига тўлиқ мослаштирилмаган.

Йиғилишда, шунингдек, "Реклама тўғрисида"ги Қонун қандай ижро этилаётгани ҳам ўрганиб чиқилиб, ушбу йўналишда йўл қўйилаётган камчиликлар атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбир сўнгида муҳокама якуни бўйича қўмита қарори қабул қилинди ва тегишли давлат идораларига ижро этиш учун юборилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

***Пойтахтимизда "InfoCom — 2009" — Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги ниҳоясига етди.***

## АКТ ҲАФТАЛИГИ ЯКУНЛАНДИ

**Тадбир**

Ҳафталик доирасида "Ўзкўргазмасавдо" мажмуида "Интернет-провайдерларнинг фаолиятини янада ривожлантириш — муҳим масала" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда юртимизда Интернет хизматларини тақдим этишнинг бугунги аҳволи, ушбу йўналишдаги ривожланиш истиқболлари ва бошқа масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, юртимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сони 2,5 миллиондан ошиб кетди. Шу йилнинг биринчи ярим йиллиги ҳолатига кўра, юртимизда 897 та провайдер фаолият юритмоқда. "UZ" миллий доменидаги сайтлар сони эса 8958 тани ташкил этади.

— "АКТ — 2009" ҳафталигида соҳани такомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирлар ташкиллаштирилди, — дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги масъул ходими Элбек Долимов. — АКТ миллий саммити, "ICTExpo — 2009" ахборот технологиялари кўргазмаси, қатор мавзулардаги семинар ва конференциялар ахборот технологиялари фойдаланувчиларида, умуман, шу соҳага қизиққан барчада катта қизиқиш уйғотди.

Ҳафталик якунида "Энг яхши интернет сайтлари" танлови ҳам ўтказилди.

**О. ФАЙЗИЕВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## ЗАМИН НЕЪМАТИ – БОЙЛИК, ҚАЙТА ИШЛАНГАНИ – ХАЗИНА

Жорий йилнинг 23-25 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуаси яна гавжумлашди. Сабаби, бу ерда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда "TNT production" халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилган йирик тадбирлардан бири — қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ва замонавий технологияларнинг "FoodWeek Uzbekistan" ҳамда "AgriTek Uzbekistan" халқаро ихтисослашган кўргазмаси бўлиб ўтди.

**Халқаро кўргазма**

Маълумки, юртимизда Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида иқтисодиётнинг барча жабҳасида, хусусан, аграр тармоқда ҳам улкан муваффақиятларга эришилаётир. Бу борада, айниқса, янги давр мулкдорлари — фермерларнинг фаолияти таҳсинга лойиқдир.

Шу маънода, айтиш мумкинки, ушбу тадбирлар фермерларимиз учун нафақат янги техника ва технологиялар билан танишиш, балки маҳаллий ва чет эллик ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро тажриба алмашиш, айни пайтда ҳамкорлик келишувларини тузиш имкониятини яратиб берди.

— Ҳозирги кунда фермерларнинг эркин фаолият юритишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган, — дейди Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ташқи алоқалар бўйича бўлим бошлиғи Мирзоҳид Йўлдошев. — Пировардида улар маҳсулот етиштириш билан чекланиб қолмасдан, уни қайта ишлашни йўлга қўйиб, тармоқда самарадорликнинг янада ошишига

(Давоми 2-бетда).

***Жанубий Кореянинг "Корея пост" журналида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган мақолалар чоп этилди.***

**Ўзбекистон — Корея Республикаси:**

## ДЎСТЛИК КЎПРИКЛАРИ

**Биз ва дунё**

Чиройли суратлар билан безатилган нашр мамлакатимизнинг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В. Феннинг Ўзбекистоннинг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан ўқувчиларга йўллаган табриги билан бошланган.

Унда мустақил ривожланишнинг ўтган мураккаб йўли, мамлакатнинг очиқ, дунёвий ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо қилиш йўлида эришган улкан муваффақиятлари, ушбу ютуқларга эришиш учун Ўзбекистоннинг миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолиб, айни пайтда халқ менталитетини инобатга олган ҳолда жаҳондаги ривожланаётган замонавий демократик давлатларининг муваффақиятли тажрибасини астойдил ўрганиб чиққани ҳақида қисқача баён этилади.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ҳақида тўхталар экан, муаллиф ушбу алоқаларда узлуксиз ўсиш анъаналари мавжудлигини таъкидлайди.

2009 йил 10-12 май кунлари Ўзбекистонга амалга оширилган жавоб ташрифи доирасида, Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак ўртасида икки томонлама стратегик шериклик масаласи ўз тасдиғини топган самарали учрашув бўлиб ўтди. Ҳар иккала давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли бўлган икки томонлама алоқаларнинг ҳозирги ҳолати, долзарб минтақавий ва халқаро масалаларни муҳокама қилишди, шунингдек, нефть, газ ва табиий бойликларни қайта ишлаш соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорлик натижаларига баҳо беришди.

Президент Ли Мён Бак биргаликда "Янги Ипак йўли" қўшма лойиҳасини ташкил этиш таклифи билан чиқди. Уни амалга ошириш учун Президентлар Корея Республикасининг илғор ахборот технологиялари билан Ўзбекистоннинг кенг логистик тизими ва темир йўл тармоқларини бирлаштириш борасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдилар. Жанубий Корея Ўзбекистон билан таълим, машинасозлик, тўқимачилик, ахборот технологиялари, инфратузилма, қурилиш ҳамда нефть ва газ каби соҳаларда янги лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдордир.

Янги қўшма лойиҳалардан бири — Ўзбекистоннинг ривожланган саноат тузилмаси, малакали ишчи кучи ва бой хом ашё ресурсларига эга бўлган Навоий вилоятида Эркин индустриал-иқтисодий зонани ривожлантириш ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ҳам изчил кенгайтирмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея стратегик шерик саналади. Ҳозирда томонлар ҳамкорликни ана шу асосда кенгайтиришда давом этмоқда.

Журналда, шунингдек, Ўзбекистонда "2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг қабул қилинганлиги ҳақида мақолалар чоп этилган.

Ўзбекистоннинг аксарият аҳолиси қишлоқ жойларида истиқомат қилади, қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш – уй-жойлар қурилиши, аҳолини табиий газ, ичимлик суви, электр билан таъминлаш, транспорт ва коммуникация хизматларини яхшилаш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ жойларда турмуш ва маданият сифатини кўтариш энг устувор вазифага айланмоқда. Шунинг учун ушбу йўналишдаги фаолиятни рағбатлантириш мақсадида Президент Ислом Каримов 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиш таклифи билан чиқди. Шу маънода, қабул қилинган Давлат дастури қишлоқларда саноат ва қурилиш соҳаларини ривожлантириш, замонавий асбоб-ускуналар ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш каби муҳим вазифаларни ўз ичига олган. Мазкур тадбирларни амалга ошириш орқали қишлоқ аҳолисини, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлашга, аҳоли реал даромадлари ва фаровонлиги даражасини кўтариш мақсад қилиб олинган.

Журналда, шунингдек, ЮНЕСКОнинг 2007 йил ноябрда бўлиб ўтган 34-Бош сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисидаги қарор қабул қилингани ҳақида сўз юритилади.

Мамлакат пойтахти — Тошкент миллий давлатчилик тарихи ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. У жаҳон цивилизацияси тараққиётида ҳам ўзига хос мавқега эга. Тошкент дунё тамаддуни ривожига ўзининг мислсиз улушини қўшган ва ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" номини олган.

Мақолада Тошкентнинг қадим тарихи ҳақида сўз юритилиб, қадимги қўлёзмаларда Тошкент шаҳри Чоч, Шош, Бинкат ва Шошкент номлари билан тилга олингани айтилади. Тошкент кўп синовлар ва қийинчиликларни бошдан кечирган, буюк ишларнинг гувоҳи бўлган, бироқ ҳамиша ўз сиёсий, иқтисодий ва маънавий мақомини сақлаб келган. Шу ўринда, инсон ўзини тарихий давр нуқтаи назаридан теран англаб етиши, унинг тарихий-маданий манбалар

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

## АЙЛАНМА МАБЛАҒ УЧУН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

***2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида республикамизда тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан экспортчи корхоналар айланма маблағларини тўлдириш учун***

**81** **миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар тақдим этилди.**

Мамлакатимиз корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва саноат ўсишини таъминлаш доирасида амалга оширилган бу чора-тадбирлар натижасида экспортчи корхоналарнинг барқарор ишлашига эришилди.



***Олий Мажлис Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги, уларнинг минтақавий ривожланиш муаммоларини ҳал этишдаги фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш масалалари бўйича гуруҳи маҳаллий кенгашлар ҳамда ижро этувчи ҳокимият органлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.***

***Хусусан, Сирдарё вилоятидаги халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг кейинги уч йиллик фаолияти гуруҳ томонидан ўрганилганда, бу ҳамкорлик натижалари самарали бўлаётганлиги кўзга яққол ташланди.***

# ИНТИЛУВЧАНЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Айни пайтда қўлга киритилган ушбу ютуқлар асосида фойдали йўл-йўриқлар ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди.

Бугунги кунга келиб депутатлар фаолияти жонланди, маҳаллий кенгаш ва доимий комиссиялар эса асосий фаолиятини ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид муҳим масалаларга қаратмоқда. Шунингдек, депутат қабулхоналари фаолияти тубдан яхшиланиб, фуқаролар мурожаати билан ишлашда муайян тажриба тўпланди. Эндиликда аҳолидан келиб тушган ариза ва мурожаатлар қатъий назоратга олиниб, аксарият ҳолларда ўзининг ижобий ечимини топаётир.

Дарҳақиқат, маҳаллий Кенгаш ва доимий комиссиялар фаолияти 2007 йилдаги ҳолат билан таққосланганда, бу борада қўлга киритилган натижалар кўлами кенгайиб бораётганлиги аён бўлади.

Бошқача айтганда, ҳозирда сессия ва йиғилиш баённомасидан тортиб, Президентнинг Фармон ва қарорлари, ҳукумат ва маҳаллий кенгашлар қарорларининг вилоятдаги ижроси мунтазам мониторинг қилиб борилаётир. Албатта, бу ўз самарасини бераяпти. Масалан, халқ депутатлари вилоят кенгашлари ва унинг доимий комиссиялари мамлакатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармонининг Сирдарё вилоятидаги ижроси юзасидан Ховос, Мирзаобод, Оқолтин, Сардоба туманлари ҳамда Гулистон шаҳри ҳокимлари ва бошқармалар бошлиқларининг ҳисоботи тингланди. Шу орқали ижро органларининг фаолиятини, қайсидир маънода, янада яхшилашга эришилди. Айни пайтда бу тажриба бошқа туманларга ҳам муваффақиятли татбиқ этилмоқда.

Бундан ташқари, гуруҳимиз томонидан маҳаллий кенгашларда депутатлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш юзасидан тавсиялар берилиб, услубий ва амалий ёрдамлар кўрсатилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бир сўз билан айтганда, Олий Мажлис Сенати билан маҳаллий кенгашлар ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигини яхшилашда ижобий тажриба тўпланиб, мустаҳкам ҳамкорлик механизмлари яратилди.

**Маҳаллий Кенгашларда**

Шу йилнинг майида ушбу ҳамкорлик доирасида вилоятдаги маҳаллий ҳокимият органлари томонидан Инқирозга қарши чоралар дастурининг бажарилиши атрофлича муҳокама қилинди. Мазкур тадбирда ютуқлар эътироф этилгани ҳолда, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш бўйича муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Қайд этилганидек, яхши тажриба тўплаган кенгашларнинг иш услуби бошқа кенгаш ва доимий комиссиялар фаолиятига татбиқ қилинаётир. Мисол учун, халқ депутатлари Оқолтин тумани Кенгаши режада белгиланган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ўтказиш бўйича муайян тажриба тўплаган. Сайёр семинарлар ўтказилиб, уларнинг бу тажрибаси билан бошқа ҳудудлардаги доимий комиссиялар раислари таништирилди.

Шу ўринда айтиш лозимки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши қабул қилинган ва амалга оширилаётган ишларнинг моҳиятини аҳолига етказиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлашда ҳам ҳамкорлигимиз катта фойда бераётганлиги сир эмас. Жумладан, халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари йиғилишида Президентимизнинг "Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби" маърузасида белгиланган вазифаларнинг вилоятдаги ижроси муҳокама қилинди. Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш ҳамда Ижтимоий-маданий ривожланиш ва ёшлар ишлари бўйича доимий комиссияларида биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар тўлиқ ўрганиб чиқилди.

Жорий йилнинг 1-3 июнь кунлари бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 5 та доимий комиссияси йиғилишлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларда Олий Мажлис Сенатининг 2009 йил 27 мартдаги "Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида"ги Қарори ижроси таҳлил қилинди. Йиғилишларда доимий комиссиялар раҳбарлари, вилоят бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботи тингланди. Қувонарлиси, ҳисоботларда айтилганидек, қарорда белгиланган вазифалар ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан муваффақиятли бажарилиб, камчиликлар бартараф этилмоқда.

Қисқаси, Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий кенгашлар ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги натижасида мамлакатимиз Президентининг Фармон ва қарорлари ҳамда ҳукуматимизнинг қарорлари ижроси тўлиқ таъминланаётир. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, уни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсиридан ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда.

**Ҳ. ОРТИҚБОЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

## МАМЛАКАТ бўйлаб

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***НАМАНГАН. Тўрақўрғон туманининг Шаҳанд қишлоғида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Инвесттекс — IB" корхонаси иш бошлади.***

### Хорижда ҳам харидори бор

Эътиборлиси, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар юқори сифатли эканлиги боис нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз харидорларини топмоқда. Ўтган қисқа вақт ичида 200 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилингани бунинг исботидир. 80 киши меҳнат қилаётган корхона жамоаси йил охирига қадар бу кўрсаткични 1,2 миллион АҚШ долларига етказишни режалаштирмоқда.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***НАВОИЙ. "Навоийазот" ОАЖ мамлакатимиз иқтисодиётида ўз ўрнига эга йирик корхоналардан бири ҳисобланади.***

### Маҳсулот тури кўпайди

Жорий йилда бу ерда кимё саноатида эҳтиёж катта бўлган тимочевина, акрил эмулсияси, ацетон, "А" маркали метанол, кимёвий тозаланган натрий хлорид ва каустик сода ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, "Навоийазот"да атмосферага заҳарли газларнинг чиқишини камайтириш борасида умумий қиймати 6 миллион АҚШ долларилик янги лойиҳа амалга оширилмоқда. Айтиш лозимки, ушбу лойиҳанинг асосий қисми Япониянинг "Митсубици" компанияси томонидан молиялаштирилаётир.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ТОШКЕНТ. Пойтахтимизда фаолият юритаётган "NVA" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида, асосан, электротехника воситалари, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилади.***

### Экспорт истиқболни белгилайди

Корхона маҳсулотлари — ёруғликни бошқариш қурилмалари, электр шкафлар, электромонтаж қурилмалари, дастгоҳлар хорижга экспорт қилинаётир.

"SITAN" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган трансформатор подстанциялар жамланмаси эса корхона имкониятларини янада кенгайтириб, буюртмачилар сонининг кескин ошишига сабаб бўлди. Айни пайтда корхона маҳсулотлари "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси билан нафақат Ҳамдўстлик мамлакатлари, балки бир қатор хорижий давлатларга ҳам етказиб берилмоқда.

**М. ҲАБИБУЛЛАЕВА.**

***ҚАШҚАДАРЁ вилоятида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида барпо этилган иссиқхоналар сони 230 тага кўпайди.***

### Қишлоқда янги иссиқхоналар

Бунинг учун фермерлар ва қишлоқ тадбиркорлари 4 миллиард 827 миллион сўм маблағ сарфлашди.

Шунингдек, мавжуд иссиқхоналарни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозиргача улардан 197 таси реконструкция қилинди ҳамда кенгайтирилди. Шу мақсадда 2 миллиард 273 миллион сўмлик банк кредитларидан фойдаланилди. Бу каби кенг кўламли ишлар вилоят аҳолисини қиш фасли ҳамда эрта баҳорда арзон ва сифатли мева-сабзавотлар билан таъминлаш имконини бериши, шубҳасиз.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон — Корея Республикаси: ДЎСТЛИК КЎПРИКЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳамда замонавий ижтимоий-маданий тимсоллардан хабардор бўлишлиги табиий ҳолга айланаётганига, мамлакатнинг интеллектуал қудратини бирлаштирувчи Тошкент бунинг ёрқин намунаси эканига урғу берилади. Таъкидланадики, Ўзбекистонда бой маданий меросга муносабат айнан мустақиллик йилларида муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган тарихий ноёб маданияти айнан шу даврда муносиб баҳоланди. Шу боис барча эришилган ютуқлар бугун мамлакатда юз бераётган улкан ижтимоий ва маънавий ўзгаришлардан далолат беради, дейилади мақолада.

"Ўзбекистон пахта етиштиришда дунёда бешинчи, уни экспорт қилишда иккинчи ўринни эгаллайди" сарлавҳали мақолада бугун мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозори пешқадамлардан бири эканлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Мавжуд анъаналар ва ўтган йиллардаги муваффақиятли тажрибалар эътиборга олиниб, 2009 йил 14-15 октябрь кунлари Тошкентда навбатдаги — V Халқаро Ўзбек пахта ярмаркасини ўтказиш режалаштирилган.

Ярмарка ишида иштирокчилар ўзбек пахтасини етказиб бериш борасида шартномалар тузиш, пахта савдоси бўйича узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, пахтанинг сифатли кўрсаткичлари ва ишлаб чиқарилиши, савдоси ва логистикаси соҳалари бўйича киритилган қоидалар ҳақидаги сўнгги янгиликлар билан танишиш имкониятига эга бўлишади. Хабар берилишича, ўзбек пахтаси экспортчилари ва истеъмолчилари ўртасида давра суҳбати ҳамда икки томонлама музокаралар ўтказиш режалаштирилган. Кўргазма меҳмонлари пахтани сотиш бўйича Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг савдо сессияси ишида иштирок этишлари мумкин.

**«Жаҳон» АА.**
Сеул

## ЗАМИН НЕЪМАТИ — БОЙЛИК, ҚАЙТА ИШЛАНГАНИ — ХАЗИНА

(Давоми. Боши 1-бетда).

муносиб ҳисса қўшмоқдалар. 20 та мамлакатнинг қарийб 30 та компания ва фирмалари иштирокида ўтказилган мазкур кўргазмалар эса ушбу йўналишдаги ишларни юқори босқичга олиб чиқишда янги истиқболларни очиб берди, десак асло муболаға бўлмайди. Гап шундаки, кўргазмаларга ташриф буюрган беш юзга яқин фермерларнинг аксарияти хорижлик мутахассислар билан мулоқот юритиб, у ёки бу масалада келишувга эришди.



Дарҳақиқат, юртимиз заминининг олтинга менгзалиши бежиз эмас. Негаки, боғу далаларимизда етиштирилаётган меваю сабзавотни бошқа ерникига асло солиштириб бўлмайди. Улар ўзининг мазаси, экологик тозалиги ва юқори сифати билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис кўргазмалар фаолияти давомида кўплаб хорижликлар, хусусан, Россия, Туркия, Қозоғистон сингари давлатлардан келган мутахассислар боғдорчилик маҳсулотларига катта қизиқиш билдиришди. Ўзларининг мева-сабзавот ва гўшт-сутни қайта ишлайдиган замонавий ускуналарини таклиф этишди. Фермерларимиз эса ўз фаолиятлари учун зарур технологияларнинг энг мақбулини танлаб, уларни сотиб олиш бўйича буюртмалар бердилар.

— Чорвачиликка ихтисослашган хўжалигимизда 50 бош соғин сигир ва 200 бош қўйимиз бор, — дейди Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги "Азизбек Башорат Файз" фермер хўжалиги раҳбари Башорат Паттоева. — Айни пайтда туманимиздаги кўплаб мактабгача таълим муассасаларини сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаб келаяпмиз. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз. Яъни, қайта ишлашни йўлга қўймоқчимиз. Кўргазмалар, рости, бизга зарур замонавий ускуналарни танлашда ажойиб бозор вазифасини ўтадики, бундан биз жуда хурсандмиз.

Маълумотларга кўра, жорий йилда мамлакатимизда етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг 1 миллион 190 минг тоннаси қайта ишлаш корхоналарига юборилса, 533 минг тоннаси экспортга чиқарилади. Демак, кеча ўз ишини якунлаган кўргазмалар ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиш, пировардида ички бозорни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан бойитишга хизмат қилади. Кўргазмалар доирасида ҳар томонлама манфаатли кўплаб келишув ва битимларга эришилгани, шартномалар имзолангани бунинг ёрқин тасдиғидир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЮКСАЛИШ, ЯНГИЛАНИШ ВА РАВНАҚ

**Истиқлол йилларида Хоразм вилояти аҳли Ватанимиз тараққиёти, халқ турмуши фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.**



(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун Хоразмнинг ҳар бир гўшасида улкан бунёдкорлик, ободончилик ишлари яққол кўзга ташланади. Масалан, қарийб 35 млрд. сўм сарфланиб, азим Амударё устига темир йўл ва автомобиль кўприги қурилди. Шунингдек, "Урганч — Беруний" йўналишида узунлиги 635 метр, эни 24 метрлик яна бир янги кўприк бунёд этилмоқда. Келгуси йили ишга туширилиши кўзда тутилган мазкур иншоот истиқболда халқимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишга хизмат қилади. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу кўприк ишга тушгач, ундан кунига 10 мингдан ортиқ автомобиль қатнай бошлайди. Бу орқали эса воҳада туризм ва тадбиркорлик соҳаларининг янада тараққий этиши учун кенг имкониятлар яратилади. Шу иккита улкан янги иншоотнинг ўзиёқ воҳа аҳлининг бунёдкорлик салоҳияти, яратувчанлик борасидаги куч-қудратини яққол намоён этиб турибди.

— Бугун обод ва кўркам манзиллар қиёфасини кўриб ғурурингиз ошади, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Хоразм вилояти бўлими раиси Рустам Қутлимуродов. — Улар юртдошларимизнинг эзгулик йўлидаги интилишлари самарасидир. Турли байрам ва тантаналар, қувончли саналар олдидан ўтказиладиган умумхалқ ҳашарларида кўп бор гувоҳ бўламиз: одамларимиз хайрли ишга даъват этилса кифоя, тезда каттаю кичик жипслашади, ўз маҳалласи, кўчасини обод этишга ошиқади.

Шуни қувонч билан айтиш жоизки, истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон манфаатларини таъминлашга, юртдошларимизнинг ҳаётини, турмуш шароитларини яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шу мақсадда ўтган йили Урганч шаҳрида қиймати 11 млн. АҚШ долларига тенг, бир кеча-кундузда 100 минг куб метр тоза ичимлик суви етказиб бериш қувватига эга сув тозалаш иншооти ишга туширилди. Жорий йилда ҳам "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида бу борадаги хайрли ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўтган олти ойида қишлоқ жойларида 63,2 метр куб ҳажмдаги газ, 173,3 км. узунликдаги сув тармоқлари фойдаланишга топширилди. Умуман, йил охирига қадар вилоятдаги 71 та қишлоқда сув тармоқларини реконструкция қилиш режалаштирилган. Худди шундай ижобий кўрсаткичлар уй-жой қурилиши соҳасида ҳам кўзга ташланади. Жумладан, воҳада йил бошидан буён 308.4 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой қурилиб, аҳоли ихтиёрига берилди. Бу рақам йил охиригача 510 минг метр квадратга етади. Бинобарин, йил бошида 64 та ёш оила учун 2 та 4 қаватли турар-жой биноси бунёд этилган бўлса, Мустақиллик байрами арафасида Урганч туманида 32 та оилага мўлжалланган "Ёшлар" тураржой комплекси қуриб битказилди.

Саноат соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам ғоятда салмоқли. Янги-янги корхоналар бунёд этилаяпти. Вилоятда шакардан тортиб мева-шарбатгача, экспортбоп калавадан тортиб замонавий кийим-кечакларгача, машҳур Хоразм гиламларидан тортиб, ўт ўриш машиналаригача, лўнда қилиб айтганда, ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган турли маҳсулотлар тайёрланмоқда. Ҳозирда вилоятда 24 та йирик саноат корхонаси фаолият олиб боряпти. Жорий йилда "Гиламчи карпет", "Сомхозшифер", "DARITAL SHOES", "Хонқа паррандачилик" масъулияти чекланган жамиятлари, "Мегасфера" Ўзбекистон — Россия қўшма ва "Хоразм гиламлари" сингари йирик корхоналар ишга туширилди. Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида ҳудудий инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 3 млн. 765 минг АҚШ долларидан ортиқ миқдорда инвестициялар ўзлаштирилгани иқтисодиёт ривожига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Иқтисодий тараққиёт юртимиз фаровонлиги, турмушимиз тўкинлигини таъминлайди. Табиийки, бу борада хусусий тадбиркорларнинг ҳиссасини эътироф этмай бўлмайди. Айни кунда вилоятда 27 мингдан зиёд хусусий тадбиркорлик субъекти ана шундай фаолият билан шуғулланиб келаяпти. Вилоятда йил давомида ишлаб чиқариладиган ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улушини 69,3 фоизга етказишга эришиш мақсад қилиб қўйилган. Бундай улкан режаларни амалга ошириш учун барча имкониятлар етарли. Бу орқали аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Шу мақсадда жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида 36 мингга яқин янги иш ўрни яратилгани қувонарли ҳолдир.

Хоразм вилоятида деҳқончилик сир-асрорларини чуқур биладиган, бир сиқим тупроқни кафтига олиб, ҳосил чўғини аниқлаб берадиган миришкор деҳқонлар жуда кўп. Эсингизда бўлса, Юртбошимиз хоразмлик деҳқонларнинг ҳар бир кунини жасоратга менгзаган эдилар. Дарҳақиқат, мураккаб иқлим шароитида меҳнат қилаётган вилоят деҳқонлари эришаётган ютуқлар ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Улар бу йил ҳам улкан муваффақиятларга эришмоқдалар. Жумладан, ғалладан юқори ҳосил олинди.

— Истиқлол шарофати билан ер ҳақиқий эгасини топди, мулкдорлар қатлами шаклланди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Гурлан туманидаги "Ҳайитмат ота" фермер хўжалиги раҳбари Гулиммат Ҳайитметов. — Юртбошимиз ташаббуси билан кенг қулоч ёяётган фермерлик ҳаракатини хоразмлик миришкорлар биринчилардан бўлиб бошлашганди. Ўтган йилларда эришилган натижалар шуни кўрсатдики, фермерлик ҳаракати ютуқлар салмоғини кўпайтиришда ҳам бош омил бўлмоқда. Масалан, бу йил далаларда пахтанинг ривожи кўнгилдагидек. Воҳада қўшимча 57 та иссиқхона ташкил этиш жараёни давом этмоқда. Йил бошидан буён сут ва гўштни қайта ишлашга ихтисослашган 6 та корхона ишга туширилди.

Вилоятда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Ҳозирги кунда 33 та шифохона, 214 та амбулатория-поликлиника муассасаси, шу жумладан, 166 та қишлоқ врачлик пункти, "Она ва бола" скрининги маркази намунали фаолият кўрсатмоқда.

Республика ихтисослашган урология марказининг Урганч филиали, кўз микрохирургияси ҳамда кардиология марказлари ташкил этилди. Уларнинг барчаси замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шу йилнинг ўзида вилоятдаги тиббиёт муассасаларига 187 млн. сўмликдан ортиқ қийматдаги тиббий ускуналар келтирилгани, 116 та янги тез тиббий ёрдам машинаси беморларга хизмат қилаётгани фикримизнинг тасдиғидир.

— "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт". Президентимизнинг ушбу қанотбахш сўзлари бугун юртимизда ёш авлод камолоти йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятини белгилайди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Хива туманидаги 20-Меҳрибонлик уйи директори Вера Пак. — Бунинг учун, энг аввало, ёш авлоднинг таълим-тарбия олиши учун барча имкониятлар муҳайё этилаяпти. Хусусан, муҳташам мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари, ёруғ ва шинам синфхоналар, замонавий ўқув анжомлари, буларнинг барчаси жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилади.



Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги сингари Хоразмда ёш авлод тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Чунончи, кейинги йилларда вилоятда тўртта янги мактаб қурилди. 177 та мактабда капитал, 69 та мактабда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, жорий йилда 6 та касб-ҳунар коллежи, битта академик лицей бунёд этилгани воҳа ёшларининг қувончига қувонч қўшди. Бугунги кунда ҳудудда фаолият юритаётган учта олий ўқув юрти, 80 та касб-ҳунар коллежи, тўртта академик лицей иқтидорли, юксак билим ва салоҳиятга эга, ўз соҳасининг етук мутахассислари етишиб чиқишига хизмат қилаяпти.

Мустақиллигимиз мустаҳкамлиги, осойишталигимиз барқарорлиги ва тараққиётимиз бардавомлигига муносиб ҳисса қўшиб, тилида шукрона, дилида шу азиз юрт шон-шуҳратини янада юксалтираман, деган муқаддас эътиқод, эзгу ният билан яшаётган Хоразм аҳлига таъзим айлагинг келади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Нефть яна арзонлашди

***Жаҳон бозорида нефть нархи сезиларли даражада арзонлашди.***



Ахборот агентликлари хабарига кўра, "WTI" типидаги "қора олтин"нинг бир баррели баҳоси 3,08 АҚШ долларига пасайиб, 65,89 доллардан сотилган. Таъкидлаш керакки, сўнгги бир ой мобайнида нефть қийматида бунчалик пасайиш кузатилмаганди. "Қора олтин" бозоридаги ушбу вазият АҚШда тураржой савдосида кузатилган беқарорлик билан боғланмоқда. Бундан ташқари, айни пайтга келиб, ёнилғи захиралари ошгани ҳам ушбу маҳсулот нархига таъсир қилган.

### Йўловчиларга зиён етмади

***Нидерландиянинг Барендрехт шаҳрида темир йўл ҳодисаси содир бўлди.***

"AFP" ахборот агентлигининг маълум қилишича, йўловчи ва юк поезди бир-бири билан тўқнашиб кетган. Натижада юк поезди бошқарувчиси ҳаётдан кўз юмган. Йўловчиларга эса ҳеч қандай зиён етмаган. Ҳалокат юз берган вақтда поездда 150 нафар одам бўлган.



Бахтсиз ҳодиса сабаблари ҳозирча номаълум.

### Ресторанда портлаш

***Пекин шаҳри марказидаги ресторанлардан бирида портлаш юз берди.***



Бу ҳақда "Синьхуа" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Нохушлик оқибатида камида уч киши турли даражада тан жароҳати олгани айтилмоқда. Бино жиддий шикастланган.

Тахминларга қараганда, портлаш газдан келиб чиққан бўлиши мумкин. Воқеа жойида ҳуқуқ-тартибот идоралари текшириш олиб бормоқда.

### Эътиборини жалб қилмоқчи

***"Sky News" телеканалининг хабар қилишича, Буюк Британия фуқароси Льюс Гордон Ҳимолай тоғидаги Кумбу кўлидан сузиб ўтишга аҳд қилган.***

Мазкур кўл денгиз сатҳидан 5,2 минг метр баландликда жойлашган. Льюс шу орқали дунё ҳамжамияти эътиборини глобал исиш муаммосига қаратмоқчи.

Таъкидлаш керакки, ер юзининг баланд нуқтаси ҳисобланган Ҳимолай тоғида айни пайтда ҳаво ҳарорати бир даражага кўтарилгани боис музликлар эримоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, яна 25 йилдан сўнг бу ердаги муз қоялардан асар ҳам қолмаслиги мумкин.



Льюс совуқ сувда сузиш борасида бой тажрибага эга. У 2007 йилда Шимолий қутбда 1,8 даража совуқда 19 дақиқа чўмилиб, рекорд ўрнатганди. Бундан ташқари, Льюс ер шарининг бешта океанида ҳам узоқ масофага сузиб ўтган сайёрамиздаги ягона одам ҳисобланади.

### Ҳалокат сабаби аниқланди



***Шу йилнинг йигирма тўртинчи сентябрь куни Ўрта Ер денгизига Франция ҳарбий кучларига тегишли иккита самолёт қулаб тушганди.***

Мамлакат Мудофаа вазирлиги вакилининг сўзларига қараганда, самолётлар синов машқларини ўтказаётган вақтда бир-бирига тўқнашиб кетган. Натижада учувчилардан бири ҳалок бўлган, иккинчиси эса бедарак йўқолган. Уни қидириш ишлари олиб борилмоқда.

### Кемага ҳужум қилинди

***Сомалилик қароқчилар Панама байроғи остида ҳаракат қилаётган кемага ҳужум уюштирди, дейилади "Reuters" ахборот агентлиги хабарида.***

Талончилик вақтида кема капитани босқинчилар буйруғига бўйсунмагани учун отиб ташланган. Кейинчалик кема Африка Иттифоқининг тинчликпарвар кучлари ва Сомали полицияси томонидан озод қилинган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

***Саёҳат, зиёрат, дунёни кўриш — инсон дунёқарашини бойитишга хизмат қилади. Бежизга халқ ҳикматларида "Юрган дарё — ўтирган бўйра", "Дунё кездинг — дунё сездинг" дейилмайди. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида инсониятнинг туризмга интилиши янада кучаймоқда.***

# ФАЙЗЛИ УЙГА МЕҲМОН КЕЛАДИ



**27 сентябрь — Жаҳон сайёҳлик куни**

Туризм, сайёҳлик — маърифий-маънавий, ижтимоий-сиёсий аҳамиятидан ташқари, давлатларнинг иқтисодий-молиявий тараққиётида ҳам салмоқли ўрин тутади. Масалан, туризмдан келадиган даромадлар Швейцарияда мамлакатдаги ялпи ички маҳсулотнинг деярли 80 фоизини, Испанияда 60, Австрияда 40 фоизни ташкил этади. Шу боисдан барча давлатлар ўз мамлакатлари сайёҳликнинг гавжум манзилларидан бўлишини истайди, албатта.

Туризм соҳасини ривожлантиришга Ўзбекистонимизда мустақиллик йилларида жуда катта эътибор қаратилмоқда. 1992 йил июль ойида "Ўзбектуризм" миллий компанияси ташкил этилиб, бу ташкилот мамлакатимизда туризм соҳасидаги кенг қамровли фаолиятни мувофиқлаштириш ҳамда ривожлантириш масалалари билан шуғулланиб келмоқда.

Президентимизнинг "2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги 1999 йил 15 апрелда имзоланган Фармони Ватанимизда туризм соҳасини барқарор дастурий асосда йўлга қўйишда муҳим омил бўлди. 1999 йилнинг 20 августида "Туризм тўғрисида" Қонун қабул қилиниб, у соҳа фаолиятини мувофиқлаштириш, туристик хизматлар бозорини ривожлантиришда ҳуқуқий пойдеворга айланди.

1998 йилда ҳукуматимиз қарори билан пойтахтимизда "Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси" ташкил этилди. Бугунги кунга келиб, Ватанимизда туризм соҳасида фаолият кўрсатиш учун лицензияга эга бўлган ташкилотлар сони 700 тадан ошди. Соҳадаги хусусий корхоналар халқимизнинг меҳмондўстлик фазилатларини амалда намоён этмоқда.

Ўзбекистон 1993 йилда Жаҳон туризм ташкилотига (WTO, 1975 йилда тузилган) аъзо бўлди. 2004 йилда эса "Буюк Ипак йўли" лойиҳаси доирасида Самарқандда мазкур ташкилотнинг ваколатхонаси очилди.

Мамлакатимизда туризм соҳасидаги иқтисодий ўсиш суръати ва экспорт хизматлари ҳажмининг изчил равишда ошиб боришига эришилмоқда. Масалан, 2008 йилда туризм соҳасида умумий хизмат кўрсатиш ҳажми 2007 йилдагига нисбатан 28 фоизга ошди. Хорижий сайёҳларга экспорт хизмати кўрсатиш ҳажми 2007 йилдагига нисбатан 2008 йилда 23,5 фоизга, юртимизга хорижий давлатлардан келаётган сайёҳлар эса 2008 йилда олдинги йилдагига қиёсланганда 6,7 фоизга кўпайди.

Ўзбекистон сайёҳликни ривожлантириш учун бой табиий-жуғрофий имкониятларга эга. Ўзбекистоннинг гўзал табиат манзаралари, цивилизация оламида фахрли ўрин тутиши, бетакрор тарихий-меъморчилик экзотикаси, юқори сифатли тансиқ мева ва полиз маҳсулотларининг мўл-кўллиги ва албатта, ўз анъаналарини, урф-одатларини сақлаб қолган меҳмондўст ва хушмуомала, бағрикенг халқимиз — буларнинг ҳаммаси хорижий сайёҳларни ниҳоятда қизиқтиради. Бунинг устига, мамлакатимиз йил сайин ободонлашмоқда. Биргина пойтахтимизнинг Бош майдони, Алишер Навоий номидаги миллий боғ, Шаҳидлар хотираси мажмуаси, муҳташам кошоналар, сержило саройлар, кенг майсазорлар, хиёбонлар, кўллар, қайтадан чирой очаётган тарихий обидалар мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини оширмоқда. Яна бир муҳим омил шуки, туризм, сайёҳлик — ҳаёти тинч, осойишта, турмуши обод ва фаровон мамлакатларда яхши ривож топади. Ўзбекистон ана шундай юрт.

Президентимиз томонидан 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони, жумладан, республикамизда сайёҳликни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишга асос бўлди.

**А**йнан ана шу ҳужжатда белгиланган вазифалардан келиб чиқилган ҳолда, тегишли ташкилотлар томонидан 2015 йилга қадар республикада туризмни янада ривожлантириш, туристик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва йўналишларини кенгайтиришга қаратилган янги давлат дастурини ишлаб чиқиш устида қизғин иш бошлаб юборилди. Унда, жумладан, туризм инфратузилмасини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, тармоққа ажратиладиган инвестиция салмоғини ошириш, туристик хизмат соҳасида янги иш жойларини барпо этиш, туризм турларини кўпайтириш, халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш каби вазифаларга устувор эътибор қаратилади.

**Михли САФАРОВ.**

---

**Ҳамкорлик**

## БОЗОР ТАЛАБИ — АСОСИЙ МЕЗОН

***Пойтахтимиздаги "Textile Impex" хорижий корхонаси бозор талаби ва харидорлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаради.***

Туркия, Германия, Жанубий Корея сингари бир қатор давлатларнинг замонавий дастгоҳлари ўрнатилган ушбу корхонада эркаклар, аёллар ва болалар учун йигирма турдаги трикотаж маҳсулотлари тайёрланади. Унинг бошқа турдош корхоналардан афзаллиги шундаки, "Textile Impex" мамлакатимиз, шунингдек, Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам ўз савдо дўконларига эга.

Ҳозирда 300 нафар йигит-қиз меҳнат қилаётган ушбу корхона ойига 150 тонна мато тўқиш, бўяш ва 2 млн. сўмликдан зиёд тайёр либослар ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона иқтисодиётидаги барқарорлик Украина ва Беларусь ишбилармон доираларини ҳам қизиқтириб қўйди. Айни пайтда ўзаро ҳамкорлик юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

**С. ЙЎЛДОШЕВ.**

---

***Пастдарғом туманидаги йилига 14 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Пана» қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотларини бера бошлади.***

## САМАРАДОР КОРХОНАЛАР

**Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили**

Умумий лойиҳа қиймати 539 миллион сўм бўлган ушбу заводга хитойлик сармоядорлар томонидан 300 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, замонавий технологиялар ўрнатилди. Натижада етмиш нафар қишлоқ ёшлари бу ерда пишиқ ғишт ишлаб чиқармоқда.

Нарпай туманида иш бошлаган «Афросиёб гипс» шўъба корхонасида ҳам ўнлаб қишлоқ ёшлари меҳнат қилишмоқда. Экспортга мўлжалланган корхонада йилига 100 минг тонна гипс ишлаб чиқарилади.

Эътироф этиш керакки, қишлоқларда бундай қурилишбоп материаллар тайёрланиши Президентимизнинг «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасидир.

**З. ИСОМИДДИНОВА.**

---


**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК**

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**2010 ЙИЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА АСПИРАНТУРАНИНГ КУНДУЗГИ ШАКЛИДА ЎҚИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| | | |
|---|---|---|
| 01.02.04 | — | Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси |
| 01.02.06 | — | Машиналар, приборлар ва ускуналар динамикаси ва мустаҳкамлиги |
| 03.00.16 | — | Экология (тармоқлар бўйича) |
| 05.02.01 | — | Машинасозликда материалшунослик (тармоқлар бўйича) |
| 05.03.06 | — | Пайвандчилик ишлаб чиқариши технологияси ва машиналари |
| 05.05.01 | — | Локомотивлар (электровозлар, тепловозлар) ва вагонлар |
| 05.13.05 | — | Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари |
| 05.22.07 | — | Темир йўлларининг ҳаракатдаги таркиблари ва поездларни юритиш |
| 05.22.08 | — | Темир йўл транспортини ишлатиш (жумладан, сигнал, марказлаштириш ва муҳофаза тизимлари) |
| 05.23.01 | — | Қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар |
| 05.23.04 | — | Сув таъминоти, канализация, сув ҳавзаларини муҳофазалаш |
| 05.23.13 | — | Темир йўллар қурилиши |
| 05.23.15 | — | Кўприклар ва транспорт тоннеллари |

**2010 ЙИЛ ДОКТОРАНТУРАДА ЎҚИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| | | |
|---|---|---|
| 05.23.05 | — | Қурилиш материаллари ва буюмлари |

***Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.***

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: 100167, Тошкент шаҳри, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй, ТошТЙМИ, 335-хона, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.

**Телефонлар: (8-371) 299-05-25, 299-05-65.**

1022R/1404



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ МАРКАЗИНИНГ**

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ҚУЙИДАГИ СОҲАЛАР БЎЙИЧА АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

11.00.07 — ҚУРУҚЛИК ГИДРОЛОГИЯСИ, СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА ГИДРОКИМЁ;

11.00.09 — МЕТЕОРОЛОГИЯ, ИҚЛИМШУНОСЛИК, АГРОМЕТЕОРОЛОГИЯ.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: 100052, Тошкент шаҳри, Қ. Маҳсумов кўчаси, 72-уй. Автобуслар: 42, 88, 89, 95. «Гидрометмарказ» бекати.

**Телефон: (8-371) 235-83-25.**

1021R/1400



**CSP ПП «CHIRCHIQ SHANXAY PLAST»**



**ПРОИЗВОДИТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ**

**ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ, КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.**

**ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.**

*Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.*

Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантохур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК». Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-99. e-mail: sedou2006@yandex.ru








**РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ**

**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2009 йил 26 октябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилади:**

Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2009 йил 16 мартдаги 14-09-09/68 (11)-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Жомбой тумани бўлими томонидан савдога қўйилган, Жомбой шаҳри, Ўртабўз қишлоғида жойлашган, «Жомбой Аъзам консерва» заводи МЧЖга қарашли 8 та бино ва иншоотлар (қурилиш ости майдони — 3324,86 $м^2$), 17 номдаги ускуна ва жиҳозлар.

Бошланғич баҳоси — 2 300 000 000 сўм.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404460401001, МФО: 00317, СТИР: 206074208.

**Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона. Телефон: (8-366) 234-06-38.**

1020R/1419


"Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ижодий жамоаси Киноарбоблар уюшмасининг аъзоси, кинорежиссёр

**Ғайрат Қосимович ШОДМОНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Механика-математика факультети Информатика ва татбиқий дастурлаш кафедраси катта ўқитувчиси Зокиржон Тўлагановга волидаи муҳтарамаси

**ЁҚУТХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси Ишлар бошқармаси ходими Азиза Халиловага отаси

**Ҳожиакбар АБЗАЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

